

УДК: 331.45

ИССИҚХОНА ҲАВОСИНИ ПЕСТИЦИДЛАРДАН ВА НИСБИЙ НАМЛИКДАН ТОЗАЛАШ ТИЗИМИ.

Суннатулла Сулаймонов

Тошкент давлат техника университети техника фанлар доктори профессори

Қобулова Нилуфархон Жалиловна

Андижон машинасозлик институти Транспорт ва логистика факультети
“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси мудири техника фанлар номзоди доцент

Ўринова Садоқатой Қобулжонова

Андижон машинасозлик институти Транспорт ва логистика факультети
“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси “Меҳнат муҳофазаси ишлаб чиқариши ва
технологик жараёнлар хавфсизлиги (саноат бўйича) магистранти

Аннотация: Иссиқхона ичида ҳавони нисбий намлигини ҳисоби ва камайтириши бўйича техник ечим ишлаб чиқиши усуллари ҳамда иссиқхона ҳавосидаги пестицидлар концентрациясини ҳисоблаш усулларидан фойдаланилади.

Annotation: Methods for developing technical solutions for the calculation and reduction of relative humidity in the greenhouse, as well as methods for calculating the concentration of pesticides in the greenhouse air are used.


Аннотация: Используются методы разработки технических решений по расчету и снижению относительной влажности воздуха в теплице, а также методы расчета концентрации пестицидов в тепличном воздухе.

Калит сўзлар: вентилятор, фильтр, қувур, пестицид, техник тизим, микроқлим, иссиқхона, нисбий намлик, ҳаво.

Keywords: fan, filter, pipe, pesticide, technical system, microclimate, greenhouse, relative humidity, air.

Ключевые слова: вентилятор, фильтр, труба, пестицид, техническая система, микроклимат, теплица, относительная влажность воздуха.

Иссиқхонада меҳнат шароитини яхшилашга оид техник тизим ишлаб чиқилди. Таклиф этилаётган техник тизим иссиқхона ичига ўрнатилган вентилятор, фильтр, ва унинг экин экиладиган ери остига қўмилган қувурлардан ташкил топган.



1-расм. Иссиқхона ҳавосини пестицидлардан ва нисбий намликдан тозалаш тизими.

Маълумки, иссиқхона ичидаги ҳавони нисбий намлиги ташқаридаги ҳавони нисбий намлигидан доимо юқори бўлади, шунинг учун иссиқхона вақти -вақти билан шамолатиб турилади, пестицидлардан фойдалангандан сўнг ҳам иссиқхонага кириб ишлашдан олдин иссиқхонани шамоллатиш талаб этилади. Ушбу жараёнлар бир томондан микроклим кўрсаткичларини меъёрида бўлишини ва пестицидлар концентрациясини кескин камайиши эвазига меҳнат шароитини хавфсизлигини оширади, бошқа томондан эса иссиқхона ичидаги ҳаво ҳароратини тушиб кетишига олиб келади ва ўсимликлар ривожланишини сусайтиради.



Таклиф этилаётган техник тизим иссиқхона ичидаги ҳаво ҳароратини деярли туширмасдан ундаги нисбий намликни ва пестицидлар концентрациясини камайтиради.

Ишлаб чиқилган ва таклиф этилган техник тизим қуйидагича ишлайди: иссиқхона ичидаги ҳавони нисбий намлиги меъёридан ошиб кетганда автоматик равишда ёки ишчи томонидан тизим вентиляторлари ишга туширилади ва у иссиқхона тупроғи остига кўмилган қувурларда ҳавони сўриб ола бошлади, қувурлар ичидаги бўшлиқ филтёр орқали ўтган, пестицидлардан тозаланган, нисбий намлиги юқори ҳаво билан тўлади. Қувурнинг муздек совуқ деворларига тегиб ҳаракатланган ҳаводаги намлик конденсацияланади, натижада ҳавонинг нисбий намлиги кескин камаёди. Иссиқхона ичидаги ҳаво ҳарорати пасаймайди ва иссиқлик йўқотилиши бартараф этилади. Иссиқхона ичидаги ҳаво бир неча марта тизим ичида айланади ва пестицидлардан ҳамда намликдан тозаланади. Бунда иссиқхона ичидаги ҳаво ҳарорати деярли пасаймади.



Иссиқхоналарда фаолият олиб борадиган ишчи-ходимларнинг касб касалликлари қуйидаги омиллар: дағал органиқ чанг, пестицидлар таъсири, ноқулай микроиклим шароитлар таъсири остида шаклланади. Сабзаёт экинлари етиштиришда янги технологияларини жалб қилиш, жорий этиш меҳнат шароитларини ва меҳнат жараёнининг унумдорлигини, жиддий ўзгартиради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бакиев А., Камалов М., Сагдуллаев Н. Возделывание ранних овощей в теплицах и под пленкой. Ташкент, Узбекистан, 1973, 58 с. ' Бақурас Н.С. Выращивание рассады и овощей в теплицах. Ташкент, Меҳнат, 1989, 138 с.
2. Бақурас Н.С., Камбаров Р.С. Выращивание рассады и овощей в пленочных теплицах. Ташкент, ФАН, 1979, 104 с.
3. "Техноген риск ва техник тизимлар ишончилиги" Ш.Нарзиев, Р.Чориев, М. Алибоев, Х.Пулатов, Р.Ражабов, Ш.Тоиров, -Т.: «Тафаккур» нашриёти Дарслик 2021й.
4. National Occupational Health and Safety Advisory Committee: Review of Schedule 2 of the Injury Prevention Rehabilitation and Compensation Act 2001 (IPRC Act): Report to the Minister of Labour - 2005/06 [Internet]. 2005. [cited 2013 Mar 25];
5. Fabianova E, Szeszenia-Dabrowska N, Kjaerheim K, Boffetta P: Occupational cancer in central European countries. Environ Health Perspect 1999, 107(Suppl 2):279–282.
6. Kim E-A: Type, Criteria, and Contents List of the Occupational Disease of some